

Эътироф

“МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ” — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ



Акмал САЙДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланаётган хозирги пайтда ҳар бир мамлакатнинг рақобатбардорлиги кўп жиҳатдан унинг инсон капиталига даражаси билан белгиланади. Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Ўзбекистон ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал илохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, аввало бора, ташаббускор ишловчидек бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юртдагидан, билими ва малакали янги ақл кадрларини тарбиялашимиз зарур”.

Бугун илм-фанга жадал кириб келаятган кўпга янги дарсликлар бора-барда ёшларимиз меҳнат иқтисодиёти ҳақида ҳам етарлича билимга эга бўлишлари керак.

“Меҳнат иқтисодиёти” қандай фан?
“Меҳнат иқтисодиёти” — одамларнинг биргаликдаги фаолиятини яратиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича инновацион фаолиятини ўргатиш, таҳлил этиш ва умумлаштиришга қаратилган.

Иккинчидан, “Меҳнат иқтисодиёти” фани шаклланиши ва ривожланиши иқтисодий амалиётнинг иқтисодий талаби, ишлаб чиқаришнинг тараққиёт этиши ва мураккаблашиши билан боғлиқ бўлиб, унинг иқтисодий-иқтисодий тизмида алоҳида ўрин тутишини ҳам белгилاب бермоқда.

Учинчидан, барқарор ривожланишни таъминлаш асоси бўлган инсон омили бугунги кунда бачча соҳаларда устувор аҳамият касб этмоқда. “Меҳнат иқтисодиёти” меҳнат иқтисодиётининг асосий йўналишларини ўрганади. Меҳнат муносабатларини атрофича ўрганиш эса хозирги санаят ривожланишидан кейинги босқич — ушбу фаннинг истиқболли йўналишига айланади.

Тўртинчидан, “Меҳнат иқтисодиёти” фани ҳар бир мамлакат иқтисодий сивасини белгилаб беради ва уни таҳлил этади. Бундан ташқари, рақамли иқтисодиёт шариқатида самарали фаолиятини амалга оширишга қодир бўлган етук малакали иқтисодчи мутахассислар — стратеглар, етакчилар ва менежерларни тайёрлаш, уларнинг малакасини муттасил ошириб боришга хизмат қилади.

Бешинчидан, “Меҳнат иқтисодиёти”нинг замонавий назарияларини амалиётга жорий этиш ниятда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун талаба ёшларнинг “Меҳнат иқтисодиёти” фанининг иқтисодий аҳамиятини англашлари, олган билимларини амалиётда қўллашга интилишлари янада кучайтирилади.

Ўзбекистонда “Меҳнат иқтисодиёти” фанининг миллий илмий мактаби шаклланди ва изчил ривожланиб бормоқда. Г.В. Плеханов номдаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Қаландар Абдурахмонов ушбу илмий мактабнинг асосчиси. Кўп йиллик илмий тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ, академикнинг “Меҳнат иқтисодиёти”га доир кўп сонли дарсликлари ва ўқув қўлланмалари, илмий монографиялари, таҳлилий мақолалари нафақат Ўзбекистон ва Россияда, шунингдек, АҚШ, Германия, Франция, Португалия, Норвегия, Хитой, Малайзия, Индонезия, Финляндия, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатларда нашр этилган.

Қаландар Абдурахмоновнинг “Меҳнат иқтисодиёти” дарслиги етти мартаба нашр этилган. Китобнинг ҳар бир нашрида иқтисодий-иқтисодий муносабатлар соҳасида рўй бераётган долзарб ўзгаришлар, ҳодимлар меҳнатини ташкил этишнинг замонавий тадқиқотлари натижалари, иш билан бандлик ва ишсизлик муаммолари, инновацион рақамли иқтисодиётда меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат самарадорлиги масалаларининг кенг қўлани ва чуқур илмий ўзгаришлари топан. Шунинг учун бу асар Ўзбекистон ва хорижий илмий жамоатчилик доирасида жуда юқори баҳоланади.

2019 йилда академик иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитларида инсон капиталининг ҳал қилувчи роли, иш бериуви билан ҳодим ўртасидаги янги муносабатлар, иш билан бандликнинг замонавий шакллари долзарб масалаларига бағишланган “Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт” дарслигини чоп этди.

Ушбу, ушбу дарсликнинг илмий янгилиги ва новаторлик жиҳатлари нима-ларда кўринади?

Биринчи янгилик. Дарсликни тайёрлашда олим америкалик Нобель мукотиб лауреати К.Писсаридес, германиялик профессор Gerhard Feldmeier, “Гундарма” университети ректори, профессор Eco Sri Grandi, россиялик иқтисодчи олимлар В.И.Гришин, Ю.Г.Одегов, М.Н.Куланов, ўзбек академиклари Р.А.Ўбайдуллаева, С.С.Ғуломов ҳамда таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ва тавсияларини инобатга олган.


Иккинчи янгилик. Дарсликнинг ўзи га ҳос хусусияти шундаки, унда муаллиф фақат Ғарб олимларининг назарий қарашларини таҳлил қилиш билан чекланмаган. Энг муҳими, буюк мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Бериуний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яъсавий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Амир Темури, Бобур каби алломаларимизнинг иқтисодий қарашларини ҳам чуқур ўрганиган.

Темурийлар уйғонш даври мезонидан айнан инсон омили, адолат таъминлири этиган. Соҳибқирон Амир Темури ўз тузаларида “Тақрибамда қўрилганим, азиям қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг қирон, модд, шикоятли бир ишчи мишра тадбирис, лоқайд кишини аяқроқидир”, деб таъкидлаган. Муаллифининг шу каби миллий тарихий-ахлоқий ҳос ноёб ишоси ва тақрибаларни илмий бор илмий истеъмолга киритгани тахсинга сазовордир.

Ҳақсон фани ва цивилизациясига улкан жиҳас қўлган буюк аждодларимиз кенг маънода қумусий олимлар бўлган. Тўғри, уларнинг қўлчилигини файласуф ва шoirлар сифатида биланмиз. Қаландар Абдурахмонов эса улар ўз даврининг иқтисодчи олимлари ҳам бўлганини чуқур асослаб берган. Муаллиф мутафаккирларимизнинг жуда кўп гоялари, фикрлари ва вазъатлари хозирги кунда ҳам ниятда аҳамиятли эканига алоҳида ургу беради.

Шунинг эътиборидек, дарсликда илм-фанда узвий ўзаро боғлиқлик сифатида ўрта асрларда яшаб ўтган алломаларимиз билан биргалликда замонашларимиз — давлат ва жамоат арбоблари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Исоқхон Тура Жунайдулло ва бошқа кўпгина зинелларнинг иқтисодий қарашлари ҳам таҳлил этилган. Айниқса, А.Ориповнинг “Тенетика”, “Асримиз одами”, “Ишон қўриқлари”, Э.Воҳидовнинг “Биз ишлаймиз, бу — меҳнат ҳолос”, “Бизлар ара тортамиз” каби шеърларининг иқтисодий таҳлилий дарсликнинг янгиликларидандир.

Учинчи янгилик. Академик дарсликда хозирги жамиятдаги иқтисодий-меҳнат муносабатлари соҳасининг асосий тоифаларини инновацион тақлим этган. Китобада меҳнат бозорида рақобатбардор бўлмаган аҳоли тоифаларининг иш билан бандлигини қафолатлаш муаммолари умумлаштирилиб, мазкур



масала юзасидан амалий тавсиялар берилган.

Тўртинчи янгилик. Дарсликда “юшмаган ёшлар” ва хотин-қизларини касбга ўргатиш ва меҳнат бозорида иш билан таъминлаш, иш билан бандлик тизимда давлат-хусусий шерикликнинг роли биринчи мартаба илмий жиҳатдан ўрганилган ва умумлаштирилган. Дарсликдаги меҳнат муносабатларининг янги шакллари — беқарор иш билан бандлик турлари: ижара меҳнати, масофадан туриб ишлаш (айниқса, жаҳонда коронавирус пандемияси тарқалиши муносабати билан) масалаларига доир бўлимлар алоҳида эътиборни тортади. Шунингдек, муаллиф томонидан касаначилик меҳнати ва оилавий бизнес хусусиятлари ҳамда уни ташкил этиш, беқарор иш билан бандликнинг меҳнат бозорига таъсири чуқур таҳлил этилган.

иқтисодий ўсишни таъминламоқда. Шунинг учун Ўзбекистоннинг инсон капиталини янада ривожлантириш, илмий-техникавий тараққиётга эришиш, инновацион ва ахборот технологияларини устувор жорий этиш, юқори малакали замонавий кадрлар тайёрлаш, таълим соҳасидаги тўб ўзгаришлар, иқтисодий илохотларнинг “четдан кузатуви” эмас, балки бевосити иштирокис сифатида, бу жаҳонларга ҳолисона ва ҳаққоний баҳо берган ўзбек олимининг илмий ҳусулалари ва амалий тақлифлари кўпгина давлатлар илмий жамоатчилигининг эътиборини тортоқда.

Академикнинг креатив “Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт” дарслиги Ўзбекистонда давлат тилида нашр этилгандан сўнг уни бошқа давлатларда ҳам хорижий тилларда нашр этиш тақдир қўлайди. Биринчи бўлиб, 2019 йилда Москвадаги “РЭУ им. Г.В.Плеханов” нашриёти дарсликни рус тилида “Экономика труда. Теория и практика” номи билан нашр этди.

Г.В. Плеханов номдаги Россия иқтисодиёт университетининг ректори, профессор В.И.Гришин ушбу китобга ёзган сўзбошида “Қаландар Абдурахмонов томонидан тайёрланган “Меҳнат иқтисодиёти” дарслиги сўзсиз ушбу фаннинг энг сўнгги ютуқларини қамраб олган чуқур илмий асардир. Дарсликни яратиш университетимиз томонидан Ўзбекистон учун жаҳон кўламида рўй бераётган инновацион ўзгаришларга тўла жаваб беришдан юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишида янги қадам бўлди. Тўла ишонч билан айтиш мумкин, бу дарслик фақат олий таълим мутахассислари талабалари ва иқтисодий мутахассисларига эмас, балки МДХ мамлакатларидаги ўқувчиларнинг кенг доираси учун қўлиматли ва фойдали дарслик бўлади”.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакики, ўзбек академиги ёзган дарслик Марказий Осиё мамлакатлари — Қозғоқистон, Қирғизистон ва Тажикистонда ҳам миллий тилларга таржима қилиниб, нашрга тайёрланмоқда.

Дарслик Буюк Британияда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Яқинда Лондондаги “Scientific Publishing House IVG” нашриёти ўзбек академиги дарслигини “Labour Economics. Theory and Practice” инглизча номда нашр этди. Бу эса китобнинг жаҳондаги мамлакатлар университетларида ҳам ўрганилишидан далолатдир.

Бешинчи янгилик.
Китобада инсон капитални сифатини ошириш, инновацион ривожланиш омили, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, оилавий тадбиркорлик, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши омили бўлган урбанизация жараёнилари, самарали иш билан бандлик ва аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларини тизимли ёритилган.

Олтинчи янгилик. Мамлакатимиз худуд муносабатлари соҳасидаги тўб ўзгаришлар Ўзбекистоннинг жаҳон мексидидаги ижобий имижини оширишга хизмат қилмоқда. Қисқа муддатда болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга барҳам берилиди. Меҳнат бозорини эркинлаштириш, камбағаллигини қамайтириш, замонавий иш ўринлари ва барқарор даромад манбаларини яратиш, ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўпга дастур ва “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Президентимиз томонидан илгари суртилган Бешта муҳим ташаббус жамиятимиздаги меҳнат муносабатларининг маъно-маъмуний тўдан ўзгарилиб юборди. Ушбу иқтисодий илохотлар дарсликда чуқур таҳлил қилинган ва ўз ақсини топан.

Еттинчи янгилик. Дарслик ўқув-методик жиҳатдан мукамал характерга эга. Унда янги илмий-назарий билимлар, таҳлилий материаллар, илмий, хорижий ва халқаро тақрибани умумлаштириш, ҳаётий замонавий мисолларнинг бойлиги талабаларга фани ушлаштиришда катта ёрдам беради. Олимнинг аниқ фикрлари, таҳлилий тафаккури, уссуби ва тушунарли баён қилиш усуби дарсликнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида равон чиқшини таъминлаган.

Санаб ўтилган ва бошқа бир қатор янгиликлари тўғрисида Қаландар Абдурахмоновнинг “Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт” дарслиги хорижий иқтисодчи олимларда ҳам катта қизиқиш уйғотгани табиий. Бу Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланиётгани ва мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий рейтинглардаги маъкеи ортиб бораётгани билан ҳам боғлиқдир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон инвестицияларини жалб қилиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Инвесторлар учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Изчил амалга оширилаётган кенг қўламли илохотлар мамлакатда бенинеси жадал ривожлантириш учун энг қулай муҳит яратмоқда, тенгсизлигини бартараф этмоқда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, барқарор

Ўзбек академиги дарслигининг жаҳон тилларида таржима қилиниши ва нашр этилиши ноёб илмий ҳодиса ва ҳунарилик мексидидаги эътирофдир.
Ўйлаيمизки, дарслик хорижий мамлакатларнинг ўқув дастуруларини янада такомиллаштиришга, замонавий чуқур билимли иқтисодчи соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни янада таъкамаллаштиришга хизмат қилади. Бу, шунингдек, турли мамлакатлар иқтисодчи олимлари ўртасида фан ва таълим соҳаларида билимлар ва тақрибаларни айирбошлаш бўйича ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиради, ўзбек фани, шу жумладан, Ўзбекистоннинг халқаро имижини оширишга хизмат қилади.